



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КUNДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 228 (13.561)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2017 йил 22 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ Корея Республикасига ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Президент Мун Чжэ Иннинг таклифига биноан 21 ноябрь кuni давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари, сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги давлатлараро алоқаларни янада ривожлантириш истикболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери ва Корея Республикаси Бош вазири билан ҳам учрашди, икки давлатнинг етакчи иқтисодий ва молиявий тузилмалари раҳбарлари, йирик ишбилармонлар иштирокидаги Ўзбекистон – Жанубий Корея бизнес форумида иштирок этди.

Ташриф якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси Президентларининг Стратегик шериклиги ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисидаги қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорлики мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга доир кўплаб ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар, тижорат келишувлари ва шартномалари имзоланиши кутилмоқда.

ЎзА

ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ САРХИЛ МЕВАЛАР, СИФАТЛИ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТўКИН БўЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь кuni бозорларни қиш-баҳор мавсумида ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, уларни қайта ишлаш қўламини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хўл мева-сабзавотлар экспортини кенгайтириш, шунингдек, полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини шакллантириш вазифалари ижросига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда ҳукумат аъзолари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажаришга масъул вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида ички ва ташқи бозорда харидоригир бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ер майдонларини кенгайтириш, уларни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарувчилар томонидан хўл мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини кўпайтиришнинг рағбатлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ички истеъмол бозорини қиш-баҳор мавсумида барқарор таъминлаш мақсадида мева-сабзавот маҳсулотларини захирага ғамлаш, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар эҳтиёжини таъминлаш бўйича давлат буюртмаси тизими жорий қилинди.

Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг харидоригир турларини такрорий экиш майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Сентябрь-октябрь ойларида такрорий экиндан етиштирилган қарийб 65 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар кўпдир.

Йил бошидан буён мева-сабзавот маҳсулотлари 54 мамлакатга экспорт қилинди. Бангладеш, Филиппин, Сурия, Тайван, Иордания, Македония ва бошқа мамлакатларда янги бозорлар ўзлаштирилди.

Ички истеъмол бозорига мева-сабзавот маҳсулотлари нархининг ошиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навои мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси тузилди. Импорт орқали бозорларни танқис ва юқори нарҳдаги маҳсулотлар билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди. Худудлар кесимида 490 минг тоннадан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини келгуси қиш-баҳор мавсуми учун ғамлаш параметрлари тасдиқланди.

Бу борада амалга оширилган ижобий ишларни қайд этган ҳолда, айрим худудларда қиш-баҳор мавсуми учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш етарли даражада ташкил этилмагани жиддий танқид қилинди. Хусусан, Президентимиз томонидан Тошкент шаҳри, Бухоро, Наманган ва Сирдарё вилоят-

лари бўйича берилган топшириқлар ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Тошкент, Наманган, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш жараёнида тижорат банклари томонидан сусткашликка йўл қўйилаётгани аниқ рақам ва далиллар асосида кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари қиш-баҳор мавсумида халқимиз дастурхони сархил мевалар, сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўкин бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Қиш-баҳор мавсумида халқимизнинг арзон маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини таъминлаш учун ноябрь ойи охирига қадар қўшимча равишда яна 330 минг тонна маҳсулот ғамлаш бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу масалада “Ўзбекизоқовқатзахира” уюшмаси раҳбарияти зиммасига катта масъулият юкланди. Жорий йил октябрь ойида уюшмада амалга оширилган түб ўзгаришлар, унинг таркибига кирувчи ташкилотларга тақдим этилган имтиёз ва преференция бунга кенг имконият яратди.

Тижорат банкларига тайёрлов корхоналари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан сотиб олиш учун ажратилаётган имтиёзли кредит ресурслари ҳажмини сезиларли ошириш тавсия этилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини такрорий экиш ҳажмини ошириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, хўл мева-сабзавот экспортини кенгайтириш бўйича мавжуд имкониятлар етарлича ишга солинмаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз “Ўзбекизоқовқат-холдинг” холдинг компанияси ва “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти раҳбарлари томонидан экспорт қилинаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кенгайтириш бўйича деҳқон ва фермер хўжаликларига қўмаклашиш борасида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида ургу берди. Тошкент, Қашқадарё, Наманган вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида бу борадаги ишлар етарли даражада амалга оширилмаётгани танқид қилинди. Шу билан бирга, мазкур йўналишда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган 66 туман ҳокимлари ишига алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимиз мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ва ташқи бозорга хўл мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида ҳукуматга “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси, Марказий банк ва тижорат банклари билан биргаликда ўн кун муддатда қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлигининг 200 миллион долларгача бўлган молиявий маблағини жалб қилган ҳолда худудларда йирик логистика марказлари ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берди. Ўшбу логистика марказлари замонавий стандартларга жавоб бериши ва мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ташвиш, экспорт қилиш учун барча зарур шароитларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда полиз ва мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмаси параметрларини шакллантиришга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди. Ўшбу йўналишда амалга оширилган ишлар ва давлат буюртмасининг асосий параметрлари тўғрисида ахборот берилди.

Президентимиз ҳар бир худуд кесимида аниқ босқичлар, муддатлар ва масъул ижрочиларни белгиланган ҳолда, 2018 йилга мўлжалланган давлат буюртмасини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга доир топшириқлар берди. Ички истеъмол бозорига, айниқса, қиш-баҳор мавсумида нарх-навоининг ошиб кетиши ва танқисликка йўл қўймаслик мақсадида ички бозорга мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш ва уларни экспорт қилиш мувозанатини таъминлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда аҳолининг шакар, туҳум, баллиқ, гўшт ва ёғ баи қўндалик зарур маҳсулотларга бўлган талабини қондириш, уларни барқарор нархларда етказиб бериш юзасидан тегишли идоралар масъуллари, барча туман ва вилоят ҳокимларига аниқ топшириқлар берилди.

Хўл мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари, картошка, узум харид қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлат буюртмаси параметрларининг сўзсиз бажарилишини тизимли равишда назорат ва мониторинг қилиш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

ЎзА

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кuni

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНинг сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз.

XXI аср **саҳоси**
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижон вилояти Олтинқўл тумани Октепа қишлоғида замонавий деҳқон бозори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 350 миллион сўм бўлган ўшбу мажмуа Президентимизнинг жорий йил 27 мартдаги “2017-2019 йиллар даврида деҳқон бозорларини реконструкция қилиш ва уларнинг худудида замонавий савдо мажмуалари қуриш дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори асосида “Глобал инвест премиум” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан барпо этилди.

● Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги “Ёшлар” оромгоҳида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши томонидан Республика ёш тарғиботчилар маркази тарғиботчилари учун ўқув семинари ўтказилди.

● Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг “Камалак” болалар ташкилоти ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасидан ёш истеъдод эгаларини излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилаётган “Камалак” юлдузлари” болалар илҳодиёти фестивалининг Нукус шаҳар босқичида 700 ўқувчи иштирок этди.

● Андижон педагогика коллежида “Қизларжон” клублари фаолиятини янада тақомиллаштириш, илгор иш тажрибаларини оммалаштиришга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги олди-дан Гулистон шаҳридаги “Янги ҳаёт” масъулияти янгидан бунёд этилган мактаб биноси фойдаланишга топширилди. 316 ўринга мўлжалланган таълим муассасасида “Анварбек” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан 3 миллиард 200 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Таълим муассасасининг синф хоналари ва лаборатория хоналари замонавий ўқув жихозлари, асбоб-ускуналар билан таъминланди.

ЖАҲОНДА

● Колумбиянинг шимоли-ғарбида автобуснинг жарга қулаши натижасида 14 киши ҳалок бўлди, 35 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олди. Воқеа жойига тез тиббий ёрдам машиналари ҳамда вертолёт юборилиб, жабрланганлар зудлик билан шифохонага олиб келинди. Ҳукумат расмийлари ҳалокат қурбонлиги сони ошиши мумкинлигини ҳам таъкидлашмоқда.

● Италия футбол федерацияси президенти Карло Тавеккио доимо кучли ҳисобланиб келган ва бир неча бор жаҳон чемпионлигига эришган ўз мамлакати терма жамоасининг 2018 йили Россияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида йўлланма ололмаганига боис истеъфога чиқди. Бундан бир неча муддат олдин мамлакат терма жамоасининг бош мураббийи ҳам асосий командадан четлатилган.

● Хитойнинг Хайнань оролида навбатдаги жаҳон гўзаллари кўриги – “Мисс-2017” танлови бўлиб ўтди. Бу гал танлови низомига ангилик киритилган бўлиб, унга кўра номзодларнинг бирор-бир хайрия лойиҳаси билан шуғулланиши талаб этилди. Ҳакамларнинг ҳисоб-китобларидан сўнг, танловда ҳиндистонлик мумтоз миллий рақслари билан шуғулланувчи 20 ёшли Мануша Чхиллар ғолиб чиқди. Нуфузли танловда кейинги ўринларни Мексика ва Буюк Британия гўзаллари эгаллашди.

ХУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙўЛИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 3 февраль кuni Яккасарой туманининг солиқ тўқимачилик комбинати худудида ташкил этилган “Яккасарой кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишиб, кичик бизнес вакилларига кенг имтиёзлар яратиш, корхоналарнинг хорижий ҳамкорлар топишига қўмаклашиш, уларнинг чет эл бозорларига чиқиши ва маҳсулотлари экспортини кенгайтиришини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Мамлакатимизнинг барча худудлари каби пойтахтимизда ҳам саноатни жадал ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиги қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида ҳам эркин иқтисодий зоналар, технопарклар ва кичик саноат зоналари самарадорлигини ошириш, янгиликларни ташкил этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича улкан мақсад ва вазифалар белгиланган.

(Давоми 2-бетда)

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЙўЛ ҚўЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАҲДИЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 20 ноябрь кuni жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат масъулиятлари, ички ишлар вазири, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Хотин-қизлар қўмитаси раҳбарлари иштирок этди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш борасида аниқ вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари, Президентимизнинг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши

курашиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди, давлат ташкилотлари ва кенг жамоатчилик олдида турган муҳим вазифалар аниқ ва равшан белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, ўтган қисқа вақт мобайнида мамлакатимизда жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органлари тизими тубдан тақомиллаштирилди, профилактика инспекторларининг билими ва касб тайёргарлигини ошириш, улар учун муносиб иш шaroити яратиш, ўз вазифаларини бажариш натижадорлиги учун моддий рағбатлантиришнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш ҳамда бевосита ўзларига бириктирилган худудда хизмат турар жойи билан таъминлаш чоралари қўрилди.

Натижада жорий йилнинг ўн ойида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан жиноят содир этиш ҳолатлари 9 минг 698 тага ёки 14 фоиз, жиноят-қидирув йўналишида эса 4 минг 562 тага ёки 11 фоиз камайишига эришилди.

Айни пайтда маҳаллаларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича жамоатчилик институтлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган кенг қўламли профилактик тадбирлар тўғрисида 1 минг 243 та маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд, Хоразм, Наманган вилоятларида, кун кеча пойтахтимизнинг Сергели туманига ташриф буюрганида ҳам “Хавфсиз худуд”, “Хавфсиз шаҳар” концепцияларга алоҳида эътибор берди. “Менинг маҳаллада жиноят содир

бўлмаслиги керак”, деган туйғуни ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар онгига шакллантириш, бефарқлик, лоқайдликка барҳам бериш, пировардида, ҳар бир оила, таълим муассасаси, ҳар бир маҳаллани жиноятчиликдан холи худудга айлантириш, жамиятда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашнинг муҳим шарти эканини таъкидлаб келмоқда. Бу борада Наманган шаҳридаги “Орзу” маҳалласи, Хоразм вилоятидаги “Жамоатчилик назорати масканлари” фаолиятидаги ижобий тажрибаларни ўрганиш, уларни барча худудларга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

Президентимиз раҳбарлигида жорий йил 15 ноябрь кuni ўтказилган йиғилишда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳар томонлама таҳлил қилиб берилди. Бу борада давлат идоралари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги қайд этилди.

Йиғилишда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунда ўтказилаётган тадбирларда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги сезилмаётгани, айрим худудларда аҳоли билан манзилли профилактик тадбирлар етарли даражада олиб борилмагани оқибатида олдини олиш мумкин бўлган жиноятлар содир этилаётгани таъкидланди.

(Давоми 2-бетда)



24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

МАҚСАДИМИЗ — АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШ

Мамлакатимизда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган изчил янгиланиш ва ислохотлар, аввало, “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун”, деган тамойилни амалиётга татбиқ қилиш ҳамда аҳолининг турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Жорий йилнинг 24 декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдан қўзғалган асосий мақсад ҳам пойтахт аҳолисини ўйлантираётган масалаларни жойида ҳал этиш, халқни турмушидан рози қилиш ҳамда пойтахтимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада тараққий эттиришдан иборатдир.

Мазкур сиёсий тадбирда мамлакатимиз сиёсий майдонида 22 йилдан буюн фаолият юритиб, ўз ғоялари, дастурий мақсад ва вазифаларини амалиётга татбиқ этиб, халқимиз муайян қатламнинг сиёсий иродасини, манфаатларини ҳимоя этиб келаётган, ўз электоратига, хайрихоҳларига эга Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам ўз номзодлари билан иштирок этмоқда.

Айтиш кераки, Ўзбекистон “Адолат” СДП ўтган даврда ғоявий жиҳатдан жипслагани, ҳар томонлама мустақамланди, жойларда партия, унинг мақсад-вазифалари ҳақида аҳолининг хабардорлиги ортди. Бу эса, ўз навбатида, партия аъзоларининг сони ҳамда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида партия депутатлари сони кўпайганида ҳам яққол намоён бўлади.

Жумладан, бугун жойларда партиянинг 210 мингдан ортиқ аъзоларини бирлаштирган 4600 га яқин бошланғич ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда. Партия аъзоларининг 15 минг нафардан ортиги Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келади.

Партия давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўтказилаётган сайловларда доимий ўсишга эришиб келмоқда. Масалан, партия 2014 йилда ўтказилган сайловларда 2009 йилга нисбатан депутатлар сони бўйича қарийб 2 баравар ўсишга муваффақ бўлди. Бугун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашида 110 нафар, туман ва шаҳарларда эса 707 нафар депутатлар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 17 ўринга эга.

Партия бўлажак сайловда юқори малакали мутахассис ва бюджет соҳалари ходимлари, илм-фан ва муҳандис-техник инеълилар, педагоглар, шифокорлар, хизмат кўрсатиш соҳалари меҳнатқашларининг, муҳтасар қилиб айтганда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истиқдиганларнинг кўмагига таянади ва ишонди.

Партия аъзоларининг ижтимоий таркибига назар ташлайдиган бўлсак, унинг таркибиде 49 фоизни аёллар, 37 фоизни ёшлар ташкил этади. Соҳалар кесимида эса энг асосий қисмини, яъни, 24,1 фоизини таълим, 22 фоизини соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари ҳамда 14,7 фоизини

ишчилар ва тадбиркорлар ташкил этишини кузатишимиз мумкин.

Бугун юртимизда барча соҳаларда рўй бераётган жадал ислохотлар ва янгиланишлар ўзаро рақобатга киришаётган сиёсий партиялардан ҳам фаолиятини доимий равишда тақомиллаштиришни тақозо этаётди. Шу боис фуқаролар билан мулоқотлар давомиде аниқланаётган долзарб муаммоларга ечим топиш, электоратни ўйлантираётган янгидан-янги талаб ва эҳтиёжларни ифода этиш мақсадида партиянинг Сайловолди дастури ва Амалий ҳаракатлар дастури босқичма-босқич тақомиллаштириб боришмоқда.

Ушбу дастурий вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, шунингдек, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги билан партия ўртасида ҳамкорлик Меморандумлари имзоланиб, бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирда мазкур ҳамкорлик доирасида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва “Таълим тўғрисида”ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича фаол иш олиб боришмоқда.

Бугунги кунда дастурий мақсад-вазифаларини рўйбга чиқариш ҳамда электорат манфаатларини ифодалаш мақсадида партиянинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий ҳаракатлар Дастури доирасида 20 дан ортиқ ижтимоий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилган. Мисол учун жорий йилнинг ўзиде 4 та йирик партиявий лойиҳа амалга оширилмоқда.

Биргина “Фарзандлари соғлом юрт – қудратли бўлур” лойиҳаси доирасида партиянинг барча вилоят, туман, шаҳарлардаги депутатлик гуруҳлари, партия фаоллари томонидан тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда Республика бўйича жами 851 та мактабга таълим муассасалари ҳамда 1647 та умумтаълим мактаблари жамоатчилик назорати тартибиде ўрганилди. Бунда таълим муассасаларидаги санитария-гигиена ҳолати, умумий тиббий хизматнинг аҳоли, мажбурий дори-дармонлар билан таъминланганлик даражаси, манту синамаси ва бошқа эмлашлар даврийлигининг ҳолати, тоза ичимлик суви билан таъминланганлиги ўрганилиб, битта вилоят, 3 та шаҳар ва 23 та туман

кенгашлари сессияларида муҳокама қилинди ҳамда аниқланган муаммо ва камчиликлар ечими юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида партиянинг 11 нафар депутати фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар сайловчилар ва партия электоратининг манфаатини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида бир қатор тақлиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Маълумки, дастурий мақсад ва вазифаларни рўйбга чиқаришда депутатларнинг сайловчилар билан доимий мулоқоти, ҳаёт билан ҳамнафас ишлаши амалий аҳамият касб этади. Аҳоли ўртасида партияга бўлган ишончни кучайтириш ҳам ана шундай жиҳатлар билан боғлиқ. Чунки халқ ўзи сайлаган вакилга суянади, ундан мадад ва ёрдам кутади.

Шу жиҳатдан олганда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлари томонидан ўтган йилда сайловчилар билан бўлган учрашувлар, депутатлик қабул кўнлариде сайловчилардан тушган саволлар ва муаммолар ҳамда қонунлар ва қарорларнинг ижроси бўйича мутасадди ташкилотларга жами 84 та, жорий йилнинг ўтган даврида эса 120 та депутатлик сўровлари чиқарилган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияларида партия депутатлари гуруҳи томонидан ёшларни ҳар томонлама баркамол авлод этиш тарбиялаш, уларга касб-ҳунарларни пухта ўргатиш ва янги иш ўринлари яратиш, аҳолининг сифатли ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишини таъминлаш, энергия сарфини иқтисод қилишни рағбатлантирувчи механизмлар жорий қилиш, аҳоли ўртасида энергия ресурсларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишни тарғиб қилиш, уй-жой, коммунал масалалардаги муаммоларни бартараф этишга доир тақлиф-ташаббуслар илгари суриб келинмоқда.

Эндиликда Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашига бўлиб ўтадиган сайлов асосида ҳар бир туман Кенгашида партия гуруҳлари ташкил этилиши партияга ўз вакиллари орқали пойтахт туманларидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш, аҳоли манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш, туман Кенгашлари сессиясида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш орқали қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда фаол иштирок этиш имконини беради.

Ҳозирда мамлакатимизда халқроқ демократик тамойиллар асосида, очкилик ва ошқоралик руҳида олиб борилаётган Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов кампаниясида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам бошқа сиёсий партиялар билан тенгма-тенг рақобатга киришган ҳолда сайлов куни фуқароларнинг партиядан қўрилган номзодларни қўллаб-қувватловчи овозини қўлга киритишга қаратилган фаол ташвиқот ишларини амалга оширмоқда.

Айни вақтда партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман ташкилотларида сайлов штаблари ташкил этилиб, за-

рур шароитлар яратилди. Юқори савияда ўтказилган туман Кенгашлари конференцияларида халқ депутатлари туман Кенгашларига 330 нафар номзод кўрсатилди.

Мазкур сайловда партия ўз дастурий вазифаларидан келиб чиқиб, адолатли ва эркин фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қурилишида фаол иштирок этиш, барча соҳада Конституция ва қонунлар устуворлиги, адолат тантанаси учун курашиш, малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, оилаларда, маҳаллаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ва уни доридармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш масалаларига устувор аҳамият қаратади.

Албатта, ҳар қандай сайловда аҳолининг манфаатларига ҳамда ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир аниқ мақсад ва ташаббусларни илгари суриш депутатликка номзоднинг муваффақиятини таъминловчи энг муҳим омилларидан бири саналади.

Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон “Адолат” СДПдан ҳар бир сайлов округига қўрсатилган номзод ўз сайловолди дастурида пойтахт аҳолисини турмушига доир долзарб масалалар, жумладан, шаҳар инфратузилмасини замонавийлаштириш, коммунал соҳани ислоҳ қилиш, иқтисодий-ижтимоий ва бошқа масалаларга оид давлат дастурларининг ижроси юзасидан депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этиш, сайловчиларга ҳуқуқий маслахатлар бериш ва депутатлик ёрдамчини кўрсатиш, сайловчилар билан юзма-юз мулоқотлар олиб бориш, уларнинг хоҳиш-истакларини туман Кенгашлари муҳокамаларига олиб чиқиш, туман аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий аҳолини яхшилаш бўйича тақлифлар киритиш, сайловчиларни ташвишга соладиган ҳар қандай муаммони жойида ўрганиш ва маҳаллий давлат органлари ва масъул мансабдор шахслар билан ҳамкорликда ечимини топишнинг барча зарурий чораларини кўриш ҳамда миллатлараро дўстлик ва бағрикенгликни, ҳамжихатлик, инсонийлик, эзгулик ва меҳрмуруватни кенг тарғиб қилиш каби мақсадларни илгари сурмоқда.

Ушбу мақсадларга эришиш учун Ўзбекистон “Адолат” СДП ўз аъзолари ва тарафдорлари орасидан энг ташаббускор, халқлараро, сайловчилар ишончини оқлай оладиган фаолларни депутатликка номзод сифатида илгари сурмоқда. Ишончимизки, сайловчилар биз илгари сураётган жозибадор ва халқчил ғояларни қўллаб-қувватлайдилар ҳамда бўлажак сайловда партияимиз Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларида кўпчилик ўринларини қўлга киритади.

Хурматли сайловчилар – азият пойтахтликлар!
24 ДЕКАБРЬ КУНИ БҲЛИБ ЎТАДИГАН САЙЛОВДА ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КўРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАРГА ОВОЗ БЕРИНГ!

АДОЛАТ — ҲАР БИР ИШДА ДАСТУРИМИЗ ВА ҲАМРОҲИМИЗ БЎЛСИН!

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН КАМЧИЛИКЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўтган даврда 7730 та маҳаллада жиноят содир этилган. Энг ачинарлиси, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари томонидан 875 та, мактаб ўқувчилари томонидан 310 та оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилинган.

Йиғилишда бундай салбий ҳолатлар давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик тўғри йўлга қўйилгани оқибатида юзга келаётгани қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги борасида йўл қўйилаётган ҳато ва камчиликлар тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳар бир идора ўз билганича иш тутиб келаётгани, аксарият тадбирларда муаммонинг ечимига умумий ёндашилаётганини таъкидлади. Шу муносабат билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда идоралараро ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш чоралари қўрилиши юзасидан зарур топшириқлар берди.

15 ноябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида қайд этилган Ҳудудларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликка қарши курашиш Республика комиссиясининг ташкил этилиши ва унинг фаолият йўналишлари билан боғлиқ масалаларга тўхталди.

Эндиликда ички ишлар, прокуратура, Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла ҳамда бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик учун омил бўлаётган ишсизлик, гитхандлик, қаровсизлик, оилавий низолар ва шу каби бошқа иллатларнинг вақтида олдини олиш чораларини кўриши зарур. Шунингдек, умумийликдан қочиши, бунинг учун ягона мақсад сари интилиб, ҳамкорликда фаолият олиб бориши, ҳар бир муаммога аниқ режа асосида ёндашиш лозим.

Бундан буюн вилоят даражасидаги сектор раҳбарлари ҳар 15 кунда марказий телевидение орқали ҳамда барча туман-шаҳар сектор раҳбарлари маҳаллий телевидение орқали махсус кўрсатувларда ҳудудлардаги жиноятларнинг сабаблари, уларни аниқлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолига тўшунтириш ва ҳисобот бериб бориши йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбари суд, прокуратура ва ички ишлар органлари фаолияти тўғрисида алоҳида тўхталиб, жиноятларнинг яширилишига фавқулодда ҳолат сифатида қаралиши лозимлиги, қамок айбдорларни тарбиялашининг асосий воситаси бўлмаслиги, уларга жазо тайинлашда айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларни атрофлича ўрганиш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Айниқса, вояга етмаганлар ва аёлларга жазо тайинлашда судларнинг чуқур мулоҳаза юритиши лозимлиги таъкидланди.

Президентимиз жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Ҳар бир маҳалла жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга айлантириш лозимлигини таъкидлаб, бу борадаги сай-ҳаракатларни янада кучайтириш зарурлигини қайд этди.

ЎЗА

Мамлакатимиз бюджет тизимида биринчи марта Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида туман ҳокимликларининг мустақиллигини ошириш, молиявий имкониятларини кенгайтиришга кенг йўл очиб берилди. Бунда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 12 апрель куни Тошкент шаҳри Чилонзор туманига ташрифи давомида белгилаб берилган вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ВАКОЛАТИ ОШИРИЛМОҚДА

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 июндаги “Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, ҳудудларни комплекс ривожлантириш дастурларини барқарор молиялаштириш ва шу асосда аҳолининг реал даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини мустаҳкамлаш мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.

Шу пайтгача пойтахт туманларида халқ депутатлари Кенгашлари фаолиятини ташкил этиш ҳамда туман ва шаҳар бюджетларининг қўшимча манбаларини бошқариш, шаҳар бюджет ижроси жараёнида зарур ҳолатларда бюджет параметрларига ўзгартириш киритиш ишлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг рухсати билан амалга оширилган бўлса, эндиликда бу ваколатлар маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрига ўтказилди.

Бюджет соҳасида амалга оширилаётган бундай чора-тадбирлар марказий бўгин ваколатларининг босқичма-босқич қўйи бўғинга ўтказилишига замин яратмоқда. Бошқарув органлари тасарруфидаги бир қатор ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга ҳуқуқлар, хусусан, бюджет ташкилотлари, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш харажатлари қўйи бўғинга берилди.

Маҳаллий ҳокимият органлари туман бюджети даромадларининг режадан ортиқ қисmini турли тадбирлар, раҳбар кадрларни моддий рағбатлантириш ҳамда қўйи бюджетларни қўшимча молиявий манбалар билан таъминлашга йўналтириш, бюджет ташкилотлари ва уларнинг штатларини мақбуллаштириш, маҳаллий бюджет захира жамғармасини ташкил этиш ваколатига эга бўлди. Асосийси, юқори турувчи молия идоралари энди туманларнинг тасдиқланган даромадлари параметрига ўзгартириш кирита олмайди.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи бюджет ташкилотларининг 88 фоизи туман маҳаллий бюджетига ўтказилди. Жумладан, 802 халқ таълими муассасаси, 93 поликлиника ва диспансер, 33 маданият уйи, 11 туман ҳокимлиги, 503 ўзини ўзи бошқариш органи, 11 ижтимоий ёрдам ва ижтимоий молиялаш маркази, 11 ободонлаштириш бошқармаси молиявий таъминоти, шунингдек, шу пайтгача долзарб муаммолардан бири бўлиб келган ички йўлларни таъмирлаш харажатлари ҳам туманлар бюджетидан молиялаштириладиган бўлди.

Туманлардаги 18 махсус, алоҳида режимдаги мактаб ва интернатларни сақлаб туриш харажатлари, туман маҳаллий бюджетидан маблағ олувчи 284 та мактаб ходимлари иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ҳамда уларнинг ягона ижтимоий тўлов бўйича харажатлари шаҳар бюджетидан трансферт сифатида қоплаб берилиши жорий қилинди.

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети мисолида амалга оширилган тажриба ўз самарасини бериб, айрим турдаги солиқ даромадлари туман даражасида маҳаллий бюджетга тўлиқ бириктириб берилиши, туман ҳокимликлари учун маҳаллий бюджетга тушган қўшимча даромадлардан мустақил равишда фойдаланиш имкониятини яратди.

Бу борада агар, айнан туман маҳаллий бюджетига бириктириб берилган 6 турдаги даромадлар тушуми бўйича солиштириш ишларини ўрганадиган бўлсак, 2017 йилнинг учинчи чорагида маҳаллий бюджетга қўшимча 66,8 миллиард сўм маблағ ундирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23 фоизга кўпдир.

Пойтахтимизда жорий қилинган мазкур янги тартиб тизимасида маҳаллий бюджет ҳисобига келиб тушган қўшимча маблағлар биринчи навбатда, туманлардаги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга, қўчаларни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларига, қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг ички ҳудудига ичимлик суви ва оқова тармоқларини ўтказиш, кўкаламзорлаштириш, ташқи ёриткичларни ўрнатишга, ижтимоий соҳа объектларини кузги мавсумига тайёрлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, туманларда ташкил этилаётган шаҳар ички ишлар бўлимларини ҳамда профилактика нозирлари учун ажратилган хонадонларни таъмирлашга йўналтирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур чора-тадбирлар маҳаллий бюджетларнинг марказга боғлиқлигини кескин қайтариб, стратегик муҳим лойиҳаларни амалга ошириш, фаол инвестиция сиёсатини олиб боришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга замин яратди.

Ботир НУРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Молия органлари ҳамда бюджет ташкилотлари молия-ҳисоб бўлимлари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази директори
ЎЗА

ҲУДУДНИНГ ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи чоғида берган топшириқлари ва белгиланган вазифалар асосида ўтган қисқа вақт ичида “Яккасоҳа кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” давлат унитар корхонасида тизимли ишлар амалга оширилди.

2014 йилда мазкур саноат зонаси таркибиде 10-15 корхона фаолият юритган бўлса, ҳозирги кунда 304 тадбиркорлик субъекти билан 10 йил муддатга ижара шартномалари расмийлаштирилган, шундан, 255 корхона ажратилган майдонда таъмирлаш ишларини ақулаб, фаолиятини бошлаб юборган.

Тадбиркорларга қўлайлик яратиш мақсадида ҳудудда банк шохобчаси, нотариал идора, темир йўл линияси хизмат кўрсатмоқда, – дейди ДУК раҳбари Рустам Нуралиев. – Мазкур корхоналарда 7 мингга яқин иш ўрни яратилган. Махсуслотларни маҳаллийлаштиришга кенг йўл очиб, уларга кредит ва солиқ борасида имтиёзлар яратиш, тадбиркорларга хориждан хомашёни келтириш ва юртимизда тайёр махсуслотлар ишлаб чиқаришини қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

“Zhong Cheng Ceramics” қўшма корхонаси импорт ўрини босувчи чинни идишларни ишлаб чиқаради. Корхона махсуслотлари билан ички бозорда ўз ўрнига эга бўлиб улгурди. Инвестиция лойиҳаси доирасида корхона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, янги иш ўринлари ташкил этилди. Бу ерда меҳнат қилаётган 40 ходимнинг асосий қисми ёшлардан иборат. Келгусида махсуслотлар экспортини янада ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ва иш ўринларини кўпайтириш чоралари қўрилмоқда.

Кийим-кечак, спорт кийимлари ишлаб чиқаришга иктисослашган “Pronto Textile Group” масъулияти чекланган жамиятининг махсуслотлари Италия ва Россияга экспорт қилинмоқда. Япония ва Германиядан келтирилган замонавий дастгоҳлар ва ускуналар билан жиҳозланган корхонада 250 киши меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилиги аёллар ва коллеж битирувчиларидир.

Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатдан дунёда етакчилардан, – дейди корхона таъсисчиси Юсуф Дурсун (Туркия). – Шу боис, ушбу хомашёдан тайёрланган махсуслотларнинг жакон бозориде харидорли кўп. Кейинги йилларда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратилган кенг имконият, қўлай шартот қўриқлари инвестицияларни ўзига жалб этмоқда.

“Baby Toys Garden” корхонасида юз фоиз маҳаллий хомашёдан ишлаб чиқариладиган 70 га яқин турдаги болалар пластмасса ўйинчоқлари хавфсизлиги, юқори сифати ва нархи афзаллиги билан истеъмолчилар эътиборини тортган.

Ҳозирги кунда инвестиция лойиҳаси доирасида янги ускуналар харид қилиш, иш ўринларини кўпайтириш, – дейди корхона раҳбарининг муовини Саидазим Оқилов. – Махсуслотларимизни нафақа ички бозорга, макки қўшни давлатларга ҳам чиқаришмоқда. Келгуси йил бошидан миллий қўғирчоқлар ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз.

Коллежда ўқиб юрганимда ушбу корхонага амалиёт ўташ учун келганим, – дейди Нодира Ғафурова. – Ўқимини битирганимдан сўнг, шу ерга ишга олишди. Ўйинчоқлар болалар учун қувонч улашади. Ана шу ишга ўз ҳиссамни қўшаётганимдан фخرланаман. Ишчилар учун барча шартот яратилган. Меҳнатининг натижасини кўришдан ва бундан яқинларини хурсанд қилишдан ортиқ бахт йўқ.

“Ideal Inter Biznes” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган полипропилен исоқ ва совуқ сув, каналзация қувурлари, фитинглар сифати ва нархи жиҳатдан Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон ва Россия бозорларида ҳам ўз ўрнига эга.

Президентимиз ташрифи чоғида фаолиятимизни кенгайтириш борасида амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдик, – дейди МЧЖ бош директори Шавкат Усмонов. – Корхонамизга кредит ажратилгани янги ускуналар келтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Келгусида “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидан берилган 4 гектар ер майдониде ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятимиз.

Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий тараққиёти, салоҳияти

Тошкент шаҳрида 23 ноябрь кuni ҳаво ўзгариб турди, ёгингарчилик бўлмади. Шаҳардан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6, кундизи — 20-23 ноябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир о тарқалиб кетишига имконият яратди, инфляция даражаси паст бўлди.

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИ: СИФАТ, ИШОНЧ, ХАВФСИЗЛИК

Республикаимиз Қўриқлаш хизматлари бугунги кунда ички ишлар вазирлиги тизимидаги энг йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Хизмат ўз фаолиятини тўлиқ ҳўжалик ҳисобида юртиб, корхона, ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган қўриқлаш хизмати эвазига тушаётган маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Мустақиллик йилларида мазкур соҳа фаолиятини такомиллаштириш, хусусан, унинг таркибий тузилмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, хизматни тўғри ташкил этиш каби йўналишларни янада яхшилаш мақсадида, кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тўбдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 10 апрелдаги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қўриқлаш хизмати фаолияти" ҳақидаги қарори талаблари соҳада туб ижобий ўзгаришларга омил бўлди.

Бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Қўриқлаш бош бошқармасида захира маълумотларни қайта ишлаш марказлари замонавий сервер, тармоқ ва ёрдамчи ускуналари билан жиҳозланди. Шунингдек, қўриқда бўлган объект ва фуқаро хонадонларига замонавий қўриқлаш ускуналари ўрнатилиб, мониторинг марказлари томонидан назорат қилиниши йўлга қўйилиб, ҳозирда республика ички ишлар органлари Қўриқлаш хизматлари томонидан 24627 та халқ ҳўжалиги объекти ва фуқароларнинг 9469 та хонадони қўриқланмоқда.

Ҳозирги вақтда қўриқланаётган жами объектларнинг 22961 таси сигнализация билан жиҳозланган. Ҳисобот даврида янгидан қўриққа олинган объектларнинг 5918 таси сигнализация билан жиҳозланишига эришилди.

Қўриқлаш хизматида қоровул итлардан фойдаланиш ишларининг самарадорлиги оширилди. Хусусан, бугунги кунда хизматда 582 та қоровул итларидан фойдаланилмоқда. Бу ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 9,2 фоизга кўп.

Республика қўриқлаш бўлинулари ходимлари объект ва хонадонларнинг ишончли қўриғини таъминлаш билан бир қаторда ички ишлар органлари томонидан жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш борасида олиб борилаётган тадбирларда фаол иштирок этади. Натижада қўриқлаш хизмати ходимлари томонидан ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан ҳамкорликда 1597 та жиноятнинг олди олинди.

Ўтган вақт давомида шахсий таркибининг хизмат, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириш мақсадида республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан ҳамкорликда ўта муҳим ва тоифаланган объектларда жами 447 марта қўмондонлик штаб ва махсус тактик, ҳудудий ИИБ соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда банкларни мудоффа қилиш бўйича 3045 марта



амалий тактик-ўқув машғулоти ўтказилди.

Тошкент шаҳар ИИББ қўриқлаш бошқармасининг техник қўриқлаш пунктларида ходимларнинг тезкорлигини таъминлаш, уларнинг иш самарадорлигини янада ошириш мақсадида 35 та "Спарк" ва 5 та "Дамас" русумли енгил автотранспорт воситалари хариб қилиниб, хизматда фойдаланиш учун топширилди.

Бугунги кунда Ички ишлар идораларининг қўриқлаш хизмати ходимлари нафақат жамоат жойларида хавфсизлигини таъминлаш, давлат, халқ ва шахсий мулкларни жиний таъжовулардан ҳимоя қилиш, уларнинг талон-тароз этилишининг олдини олиш борасида ҳам кенг қўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, жойларда ҳуқуқий тарғибот йўналишида давра суҳбатлари, семинар, илмий-амалий конференциялар ўтказилиб, ўқув услубий қўлланмалар, рисоалар, кўргазмалар плакат ҳамда буклетлар чоп этилган.

Мақсадимиз давлатимиз томонидан қўриқлаш хизматига кўрсатиб ўтилган барча вазифалар ижросига эришиш, шу билан бирга фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишдир.

ИИБ қўриқлаш Бош бошқармаси
матбуот хизмати

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда фарзандларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун ҳукуматимиз томонидан алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Ўғил-қизларимизнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук инсон бўлиб қамол топишлари учун барча шароитлар яратилди. Ана шундай эътибор ва ғамхўрликка жавобан фарзандларимиз ҳам ўз билим ва иқтидорларини ишга солиб, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи қўчига айланишмоқда.

Ёшлар тақдирини мамлакат тақдирини экан, бундай масъулиятли ишга бефарқ бўлиш ҳақимиз йўқ. Айниқса, "вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш ҳамда улар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида қилиниши керак бўлган ишлар доимий эътиборимизда. Вояга етмаганларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, уларнинг таълим ва фан, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ҳамда бошқа соҳаларда қатъиян ҳуқуқларини таъминлашга устувор аҳамият берилмоқда.

Бекорчилик — ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг илдизи ҳисобланади. Бундай қусурларга йўл қўймаслик учун албатта, ёшлар

бандлигини таъминлашимиз шарт. Улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини қўчатиришимиз лозим.

Сир эмас, вояга етмаганлар ўртасида жиний содир этаётганлар ҳам учраб турибди. Энди ўйлаб қўрайлик. Ўспирин йигитнинг жинийта қўл уриши сабаби нимада? Бизнингча, унинг тарбиясига эътиборсизлик, ўқиш, юриш-туриши билан қизиқмаганлигимиз эмасми? Қўйинча фарзандларимиз бўш вақтини қандай ўтказаяпти, китоб ўқий-пти, спорт билан шуғулланаяпти, бефарқ қарайми. Ана шу лоқайдлик туфайли улар ҳуқуқбузарлик содир этади. Демак, биз фарзандлар тарбиясига масъул эканлигимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Ойлада фарзанд улғаяётган экан, хамиша оғох бўлайлик. Негаки, улар бизнинг эртанги кўнимиз эгаларидир.

Салим МАХМАНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖЖДЛКК департаменти
Учтепа туман бўлими катта
инспектори

КОНСТИТУЦИЯ — МЕНИНГ ҲАЁТИМДА

Гулҳаё Ёшлиғидан расм чизишга қизиқади. Мактабда ўқиб юрган кезлари тасвирий санъат тўғрисида маҳоратини оширди.

Айниқса унинг "Қуз манзараси", "Она ва бола", "Қишлоқ" деб номланган картиналари муҳлис ва мутахассислар эътирофи сазовор бўлган. У турли танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

Тошкент иқтисодиёт коллежининг биринчи босқичида тахсил олаётган Гулҳаё барча ютуқларини Бош Қомусимизда белгиланган кафолатлар билан боғлайди.

— Барча тенгдошларим қатори мениннг ҳаётимда ҳам Конституциянинг ўрни катта. Билим олиш, спорт билан шуғулланиш, касб-ҳунар ўрганиш, ишлаш, дам олиш ва даволаниш, чет элларга чиқиш имкониятларига эгаман. Мустақил Ўзбекистон фарзанди сифатида орузларимга етишиш йўлидаги барча эшиклар мен учун очик эканини биламан ва бундан гурурланаман. Мақсадим Президентимиз таъкидлаганидек, баркамол авлоднинг бири бўлиб етишиш, эл-юрт равақи учун сидқидилдан хизмат қилиш, — дейди Гулҳаё.

Ўз олдига улкан мақсадлар қўйган ва эртанги кунига ишончи мустаҳкам ёшлар — юртимиз келажиги. Президентимиз раъво-молигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар навқирон авлод қамолоти йўлидаги ғамхўрликлар Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан 25 йил муқаддам қабул қилинган Асосий Қомусимиз барча соҳалар қатори таълим тизимини ҳам сифат ва мазмун жиҳатдан янги босқичга кўтаришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Давлатимизнинг биринчи Президенти 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишига асосан аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ўз ҳуқуқидан фойдаланиш қўчмасини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари учун "Конституция алоҳи-боси", "Конституция сабоғи", юқори синфлар учун "Конституциявий ҳуқуқ асослари" каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилиб, ўқув жараёнига татбиқ этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида барча таълим масканлари замонавий тарзда қайта барпо этилиб, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланди. Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий таълим-тарбия олиши кейинчалик ўзи танланган касб бўйича ишни давом эттириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган.

Конституциямизда ҳар бир фуқароннинг нафақат ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, балки давлат ва жамият олдидagi бурчи ҳам белгиланган. Айниқса, ёшларнинг билим олиш, қизиқишига қараб касб-ҳунар ағаллаш, малакали мутахассис бўлиб вояга етишишда катта аҳамият касб этади.

Конституция ҳақиқатда ҳам, бахтимиз пойдевори ҳисобланади. Мана шундай мустаҳкам ва мукамал Конституция туфайли биз Ўзбекистонда тинч ва бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз.

Севинч ҚОСИМОВА,
Шайхонтохур туманидаги 157-умумтаълим
мактабининг 9-синф ўқувчиси

Озодлик ғоясининг битикномаси бўлмиш—мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганга 25 йил тўламоқда. 8 декабрь адолат офтоби қарақлаган кун сифатида ҳар йили катта шодиёна билан нишонланади.

Ўзбекистон Республикасининг Қомуси бизнинг манфаатларимизга хизмат қилади. Мазкур Қомусимиз олти бўлим, 26 боб, 128 моддадан иборат. Конституция давлатни давлат, ватанини миллат сифатида дунёга танитадиган ҳужжатдир. Мен ҳам Ватанимнинг бир бўлиги, шу юртимнинг қизи сифатида ўз ҳуқуқларимни ўқиб, ўрганаётган эканман, шу муқаддас Ватанда туғилганимдан гурурланаман. Елкамдаги масъулиятни ҳис этган ҳолда ўз-ўзимга савол бердим. "Бу масъулиятни тўлиқ адо этиш учун нима қилишим керак?", "Жонажон юртим учун қандай ишларни амалга оширишим зарур?". Бу саволларга жавобни юрагимдан топдим. Энг аввало, мен каби ўғил-қизларга яратиб берилаётган шароитлардан унумли фойдаланиб, мактабим бағрида аъло ўқишим, ота-онамни эъзозлаб, Ватаним олдидagi фарзандлик бурчимни адо этишим зарур. Бу мениннг энг катта орузимдир.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни, олий юридик қўчига эга бўлган сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. Шунинг билан бир қаторда ҳар бир бўлим мукамал ишланганлигининг тасдиғидир. Мисол учун 41-моддада шундай таъкидланади: "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидadır". Конституция китобимиз мукамал ишланганлигини ундан халқимизнинг тарихий обидалари, маънавий ва маданий меросини ҳар бир фуқаро асраб-авайлашга мажбурлиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида эканлиги 49-моддада ўз ифодасини топган. Давлатимиз томонидан ижод эркинлиги таъминланган, бу ҳақда 42-моддада қўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда ёр юзида мавжуд давлатларнинг деярли барчаси ўзларининг эркин сиёсати, тили, давлат рамзларига эга. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам ўз Конституциясига эга эмас. Қўриқиб турибдики, Конституция учун жиҳатдан ҳам, бу жиҳатдан ҳам бевосита шахсга — инсонга, демакки, унинг маънавиятига бориб боғланаверади.

Қонуларни билимаслик икки томондан зиён. Биринчидан, қонундан бежабар киши уни бузиши осон. Иккинчидан, баъзи кимсалар бошқаларнинг қонунни билимаслигини ўз манфаати йўлида фойдаланади. Шу боисдан ҳам ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган ҳудуднинг қонуларини яхши билиши зарур.

Конституциямиз аввало, ўзимда миллий ҳуқуқияларимизни акс эттирди. Иккинчидан, у жаҳон андозларига мос келади. Биз Асосий Қонунимизнинг ҳар бир банди, жумласи, ифодаси, сўзи ҳақида ўйлашимиз, уни тушуниб олишимиз, унга амал қилишимиз зарур ва шарт.

Конституция бизнинг ҳуқуқларимизни ўргатади. Масалан, 64-моддада "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиб ҳам таъбиялашга мажбурдилар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради" деб айтилган. Бу модданинг аниқ маъноси шунки, ота-оналаримиз бизни вояга еттушимизга қадар боқадилар ҳамда тарбиялайдилар. Кейин эса биз ота-оналаримизга ғамхўрлик қиламиз. Ота-онамиз кучдан қолишганда ёнлариди мададкор бўламиз, ғамхўрлик қиламиз.

Бундан қўриқиб турибдики, ҳар бир фуқароннинг тинч, фаровон ҳаёт кечиршида Асосий Қомусимизнинг ўрни катта.

Моҳинур КОМИЛЖОНОВА,
Шайхонтохур туманидаги 41-умумтаълим
мактабининг 9-синф ўқувчиси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 февралдаги "Тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланишларини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2796-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳридаги аввал ҳуёсийлаштирилган қурилиш тугалланмаган ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларига киритилган объектлар

РЎЙХАТИ

№	Объект номи	Жойлашган манзили (туман, кўча, уй рақамлари)	Бўш турган ер майдони (кв.м)	Шушун бино ва ишпоёт майдони (кв.м)	Ҳозирги кунда мулк эгаси
Миробод тумани					
1	ишлаб чиқариш	Буюк Турон кўчаси, 41-уй	0	1080	"ELITE MANAGEMENT" МЧЖ
2	собиқ "Тон" фабрикаси	А.Темур шох кўчаси, 53- уй	5342	9248	"Энф универсал савло" МЧЖ
3	ишлаб чиқариш	Сарикўла кўчаси, 9-уй	200	200	"Angelina" МЧЖ
4	офис	Нукус кўчаси, 85/1-уй	150	150	"ARKEO LORD SERVICE" МЧЖ
5	ишлаб чиқариш	Т.Шевченко кўчаси, 23-уй	14957	9340	"Master Building Capital" МЧЖ
6	хизмат кўрсатиш	Нукус кўчаси, 83а-уй	0	2352	"SAXIY INSON" МЧЖ
7	ишлаб чиқариш	Т.Шевченко кўчаси, 23-уй	7000	5000	"S.Q.ISLOMBEKOV NOMLI O'ZKIMYOFAZM" АЖ
8	маъмурий бино	Эски Отчопар 2-проезд	0	3139	"Misayev Davr" МЧЖ
9	ишлаб чиқариш	Эски Отчопар кўчаси, 3-уй	6003	399	"TOSHKENT TOBACCO" МЧЖ
10	бўш ер майдони	Савр кўчаси, 5-уй	1200	0	"GRAND ASTRA" ХК
11	ишлаб чиқариш	Савр кўчаси, 1-уй	7000	5000	"Zo't Taasiya" МЧЖ
12	ишлаб чиқариш	Янги Қўйлик кўчаси, 3а-уй	0	489	"NURSAL LINE" МЧЖ
13	ишлаб чиқариш	Янги Қўйлик кўчаси, 40-уй	11701	3441	"Spetskomplektorg" МЧЖ
14	қурилиш тугалланмаган бино	Т.Шевченко кўчаси, 23-уй	2500	1100	"JET INVEST" МЧЖ
15	қурилиш тугалланмаган бино	С.Азимов кўчаси, 74а-уй	376	293	"NAVRO-Z-BAHOR" ХТ
16	маъмурий бино	Нукус кўчаси, 29- уй	0	1649	"Восток технология" МЧЖ
17	офис	Нукус кўчаси, 89-уй	588	200	"Tajniya" ХТ
18	маъмурий бино	Нукус кўчаси, 29-уй	5393	10151	"Perfect Engineering" МЧЖ КК
19	ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш	Янги Қўйлик кўчаси, 16 б-уй	0	110	"Rustam Doston" ХК
Жами			62410	53341	

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2016 йил 1 ноябрдаги 3-мб-сон қарори билан тасдиқланган 83-иловасига мувофиқ **1-НН shakli** йилда бир марта "Ҳисобланган иш ҳақи миқдори бўйича ходимлар сонининг тақсимланиши тўғрисида 2017 йил ноябрь ҳисоботи"ни юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинулари (микрфирма ва кичик корхоналар, ҳуёсий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, жамоат бирлашмалари, ижтимоий фондлар, нодавлат муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи боқариш органларидан ташқари) давлат статистика ҳисоботи-ни **Давлат статистика органлари**га хисобот давридан кейинги ойнинг **16-санасидан кечиктирмай** интернет тармоғи орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этишингиз лозимлигини эълан қилиб ўтади.

Мазкур ҳисобот, интернет тармоғида давлат статистика ҳисоботларини электрон қўриғинида йиғиш автоматлаштирилган тизими eStat 2.0 орқали электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда тақдим этилади. eStat 2.0 тизимида мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакли (шаблон)ни Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг **www.stat.uz** ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг **Toshstat.uz** расмий веб-сайтидан олишингиз мумкин.

Шунингдек, Давлат статистика қўмитасини олиб бориш учун зарур бўлган хисобот ва бошқа маълумотларни тақдим этмаслик орқали давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибини бузиш, хисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш ёки хисоботларни тақдим этиш мuddатларини бузиш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг **215-моддасида белгиланган жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантираимиз.**

Қўшимча маълумотлар олиш учун Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Демография ва меҳнат статистика бўлимининг **(0-371) 230-88-22, (0-371) 230-88-23** телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар статистика бошқармаси

Сергеи тумани "Ягона дарча маркази" томонидан 16.01.2017 йилда №005583-06-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган, "AVIA CAPITAL TRAVEL" МЧЖ (ИНН 304537166) таъсисчиларининг 4.08.2017 йилдаги №1 қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ

Давъовлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мuddат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99897 402-72-72.

Бектемир тумани ободонлаштириш бошқармаси томонидан 45,0 тн. миқдорда тоннасини 240,0 минг сўмдан иссиқ, майда тошли ва говакли 2-тоифадаги асфальт-бетон массасини хариб қилиш учун тадбиркорлар ўртасида танлов ўтказилди.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чирчиқ бўйи кўчаси, 3-уй. Тел: 295-36-47, 295-08-25.

•••••

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатқа олинган

Наشرни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4021 нускада босилди. Қўғоз бичими А-2

Наشر учун масъул О. Ҳазратов

Босишга таширилди: 15.50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ